

Ҳожи Сафои Вали ҳазратлари яшаган даврда ижтимоий-сиёсий вазият ва унинг ҳаёти, фаолияти ҳақида

Ш.Ахадов СамДАҚИ профессор

Ҳожи Сафои Вали ҳазратлари тасаввуф таълимотининг йирик билимдони, ислом олами расмий қаландарлик (тарғиботчилик) тизимининг кейинги ташкилотчи сардорларидан ва маънавиятимизнинг буюк даҳоларидан бири бўлган улуғ зотдир.

У зотнинг туғилган йили биронта тарихий манбаларда кўрсатилмаган. Аммо айрим манбаларда Ҳожи Сафои Вали ҳазратларининг Самарқандга 34-ёшида келганлиги ва 40-йил муқаддас шаҳарда яшаб фаолият кўрсатиб 74-ёшида 1740 йилда вафот этганлиги таъкидланади. Ушбу тарихий маълумотларга асосланадиган бўлсак у зотнинг туғилган йили 1666 йилда эканлиги аниқ бўлади. Демак, Ҳожи Сафои Вали 1666 йилда Ҳиротда ҳукумдорлар хонадонида туғилиб 1740 йилда Самарқандда вафот этган.

Унинг отаси Сайид Жалолиддин Ҳиротнинг ҳукмдори бўлиб, кексايиб қолганида бирин-кетин икки фарзанд – Насриддиншоҳ ва Фаҳруддиншоҳ исмли ўғил фарзандлар кўрадилар. Бу икки фарзандига ёшлигиданоқ таълим-тарбия бериб комил инсонийлик хислатларига эга бўлган ажойиб, ака-ука бир-бирига ниҳоятда меҳрибон тарбия, юксак маданиятли, билимдон кадрлар қилиб вояга етказди. Акаси Насриддиншоҳ сиёсий раҳбарлик-ҳукумдорлик йўлини танлаб отаси Сайид Жалолиддин сулоласини давом эттиради.

Фаҳриддиншоҳ эса аксинча ҳукумдорлик, сиёсий раҳбарлик йўлини эмас, илму-фан йўлини тасаввуф таълимоти тариқат ва маърифат йўлини ва шу йўл орқали ислом динининг адолатли, инсонпарвар дин эканлигини, унинг бирлиги, яхлитлигини сақлашга ва шу йўл билан ислом оламида давлатчиликни мустаҳкамлашга, халқларнинг ислом оламидаги миллатлар бирлигини мустаҳкамлашга хизмат қилиш йўлини, мўмин-мусулмонларнинг исломга эътиқод бирлигини мустаҳкамлаш йўлини танлайди. Бунинг учун мустаҳкам билим, илм ва тарбия олишга интилади.

Айрим маълумотларга қараганда Фаҳруддиншоҳ Ҳиротда 18-ёшигача таълим-тарбия олиб кейин бошқа илмий марказларга илм олишга, тасаввуф таълимоти тариқатларини, диний ва дунёвий билимларни янада чуқурроқ билишга, бунинг учун устоз излашга, ўзини эса наъмунали шогирд бўлишига интилади.

Шу сабабли ўша даврда Ислом оламида машҳур бўлган илму-фан марказлари-Боғдах, Домашиқ, Нишопур ва Макка Мадина каби шаҳарларига бориб таълим-тарбия олишга киришади.

Ёш Фахруддиншоҳга ушбу мураккаб машаққатли аммо келажаги буюк шарафли йўлни танлашга нима сабаб бўлган, қандай ижтимоий ҳаёт йўли туртки бўлиб таъсир этган?

Эҳтимол Ҳожи Сафои Вали яшаб ўтган ёшлик даврида ўлкада юз берган кескин ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-мафкуравий вазият унинг бутун ҳаёти йўлига кучли таъсир этган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Чунки, бу даврда кучли марказлашган Амир Темур ва Темурийлар империяси инқирозга учраб унинг ўрнига ҳокимиятга келган шайбонийлар, улардан кейин ҳокимиятни эгаллаган Аштархонийлар даврида тахт учун, мулк учун ўзаро қонли, қирғинбарот урушлар давом этиб, ўлкада нафақат сиёсий балки иқтисодий, ижтимоий ва маънавий-мафкуравий, маданий танглик, тарқоқлик ва парокандалик вазияти вужудга келган ва бу вазият тобора чуқурлашиб бормоқда эди. Бу ҳолат жамиятда, жамият аъзолари ўртасида келажакка ишончсизлик, умидсизликни кучайтириш, таълим-тарбияга катта маънавий-моддий зарар келтириб илму-фанга, диний ва дунёвий фанлар тараққиётига, халқнинг эътиқодига, диний, дунёвийлик қарашларига салбий таъсир этмоқда эдилар.

Халқ оммаси ўртасида эртанги кунга ишонч ўрнини рухий тушкунлик, ишончсизлик ҳолати эгалламоқда эди. Бундай инқирозли вазиятда халқни ўз орқасидан эргаштириб халқ оммасини руҳлантирадиган, эртанги кунга ишонч туғдирадиган Темурийлар давридаги диний ва дунёвий таълимот намоёндалари, олиму-уламолар, буюк даҳолар, етакчи саркарда ва давлат арбоблари етишмас ва бундай улуғ зотларга жамиятда эҳтиёж тобора кучайиб, кенгайиб бормоқда эди. Бу билан шуни ҳам таъкидлаш лозимки ўша даврда фаолият кўрсатаётган диний ва дунёвий арбоблар, олиму-уламолар ўртасида ҳам турли дунёвий қарашлар, илму-фан тараққиётига тўсқинлик қилиш, сиёсий, ижтимоий вазиятга салбий таъсир этиш, мулкка, катта ер майдонларига эга бўлиб сохта сиёсий обруга, қудратли сиёсий таъсирга эга бўлиш ҳаракатлари тобора кучайиб, боради. Бу ҳаракат нафақат ўлкада сиёсий бирликка, балки тасаввуф таълимотининг ва ислом динининг халқ томонидан эътиқод қилиниб ислом бирлиги ва яхлитлигига хавф туғдира бошлайди.

Бундай ҳаракат ўлкада катта сиёсий, мулкий кучга эга бўлган Жўйбор Хўжалари фаолиятида намоён бўлаборади. Жўйбор хўжаларининг Бухорода, Марв, Насаф (Қарши) ва Самарқандда катта-катта ерлари, экин майдонлари бўлиб чексиз мулк ва бойликка, сиёсий мавқеига эга бўлиб, ўлка сиёсий ҳаётида катта сиёсий кучга, мавқея ва сиёсий таъсирга эга бўладилар. Бу ҳаракат Аштархонийлар-жонийлар (Жонибек султон) сулоласи ҳукумронлиги даврида бу ҳаракат кучайиб Жўйбор хўжалари (Бухорога яқин Жўйбор қишлоғилик хўжалар)дан

Шайх Мухаммад Ислом (1493-1563) унинг авлодларидан Хўжа Саъд (1531-1585), Хўжа Тожиддин Ҳасан (1574-1646), Хўжа Абдурахим (1575-1629) ва улардан кейинги Хўжа шайхлар ўлкада ана шундай катта сиёсий кучга эга бўлиб диний ҳақиқат ўрнига мулкӣ “ҳақиқат”ни афзал билган диндор-фанатик шайхлар бўлиб ўлкада нафақат сиёсий бирликка, ҳатто диний бирлик, ислом яхлитлигига хавф туғдира бошлаганлар. Бу ҳаракат ўлкада XVI асрга қадар буюк алломаларнинг нафақат ислом динини мустаҳкамлаш, унинг бирлиги, яхлитлигини сақлаш, балки сиёсий бирликни, миллий давлатчилигимизни мустаҳкамлаш, таълим-тарбияда пири-муршидлик тамойилларига қатъий риоя қилишлик анъаналарига ҳам салбий таъсир этиб, халқ оммаси онги, тафаккури ва онгидан ҳам чиқариб ташлаш хавфини вужудга келтирмоқда эди. Бу салбий ҳолат ўша замонда яшаган илғор фикр эгаларининг эътиборидан четда қолмаслиги табиий бир ҳолат эди.

Шу сабабли ўлкада илғор фикрга эгаларининг ўзига хос янги шарқона фалсафий фикр ҳаракати шакллана бориб, ўлкада кенг тус олади. Бу ҳаракатни фанда пантеистик¹ ҳаракат-пантеистик-оқим деб аталабошланади ва ўлкада кенг тарқала бошланади.

Бу ҳаракат Жўйбор хўжаларининг-диний ҳақиқат ўрнига ботиний ҳолатда “мулкӣ ҳақиқат” ғоявий ғояси ҳаракатига қарши ғоявий кураши бўлиб ҳамма борлик, бу оллох, худо иродасига боғлиқ бўлиб унга қатъий риоя қилишга, меҳнат қилиб луқмои ҳалол билан яшашга кўнгил оллохда бўлишга чақириқ эди. Шу билан “Сафар дар ватан” ғоясини илгари суриб ватан ичра юриб, сафар қилиб халқ ахволидан, мўмин-мусилмонлар холидан хабар олиш, муҳтожларга ёрдам қилиш, золим амалдорларни, нафси ёмон-шайху-мўллоларни инсофга чақириб, диний ва сиёсий бирликни мустаҳкамлашга, таълим-тарбияни яхшилаш, устоз-шогирд, (пири-муршид)лик тамойилларига қатъий риоя қилишга чақирар эди. Бу ҳаракат Ҳожи сафои вали ҳазратлари яшаган даврда, ундан олдин ва кейинги даврларда якка-якка ёки 3-5 кишилик кичик гуруҳлар ҳамда дарвешлик ва қисман жамоа-жамоа бўлиб қаландарлик ҳаракати тарзида халқ ичида тасаввуф таълимоти тариқатларини тарғибот қилиш, ислом бирлиги, яхлитлигини мустаҳкамлаш, унинг инсонпарварлик ғояларини тарғибот қилиб, инсонлар онгига сингдириш, ислом бирлигига зиён етказувчиларга, халқни қайнаб зулм қилаётган амалдорларга, нафс йўлида динни шиор қилувчи молпараст, рухонийлар, мулла ва шайхларга қарши ғоявий кураш олиб борар эдилар.

Айниқса бу даврда қаландарлик ҳаракати муҳим ҳам ғоявий, ҳам ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, бу ҳаракат икки йўналишда:

¹ Пан-ҳамма, теос-худо, ҳамма нарса пантеист-оллох иродасидир-деган маъно беради.

расмий ва норасмий тарзда намоён бўлиб, расмий ҳаракат бу Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в) томонидан ислом динини, унинг ғоявий таълимотини, Қуръони Карим ва ҳадиси-Шарифни мўмин-мусулмонлар ичида, умуман халқ оммаси ўртасида, бутун Ислом оламида тарғибот, ташвиқот қилиб, ислом бирлиги, яхлитлигини мустаҳкамлаш исломнинг инсонпарварлиги, адолатлилиги ва диний ҳақиқат эканлигини тушунтиришдан иборат бўлиб, бу ҳаракат расмий ғоявий-мафкуравий махсус тизимдан иборат бўлган. Иккинчи қаландарлик ҳаракати норасмий сўфийлик мақсадида дарвешлик-қаландарлик ҳаракатидан иборат бўлиб иккала ҳаракатда ҳам устоз-шогирд-(пири-муршид)лик тамойилларига амал қилиб ҳаракат қилувчи тарғиботчи, ташвиқотчилардандир. Иккинчи йўналиш ихтиёрий-эркин ҳаракат қилувчи, биринчи йўналиши эса расмий ғоявий-мафкуравий ижтимоий-сиёсий, мафкуравий расмий тизимдан иборат ҳаракат бўлиб унинг асосчиси Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в)нинг ўзидир.

Шу сабабли бўлса ажаб эмас ёш Фаҳруддиншоҳ ана шу йўлни – расмий қаландарлик йўлини танлайди. Бунинг учун Фаҳруддиншоҳ ўлкадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни ўзига чуқур таҳлил қилиб, тўғри хулоса чиқариб ушбу мураккаб, аммо салоҳиятли, муҳаммад Пайғамбар (с.а.в) йўлини, тасаввуф таълимотини-сўфийлик ҳаракати-муҳаккиклик йўлини танлаб бутун умрини шу йўлга-илму-риязот, фикх илмига-тасаввуф таълимотини мукаммал билишга бағишлайди ва унга киришади ва бутун ҳаётини шу таълимотга бағишлайди.

Тасаввуф – бу нимани англатади. Тасаввуфнинг асли маъноси ниҳоятда кенг бўлиб, улар асосан-яъни

- тахлия-холи бўлмоқ; қалбни бўшатмоқ;
- тасфия-яъни руҳни бегонадан тозалаш;
- хузус маъносини-яъни нафсни жиловлаш, хоксорлик, жонсиполик наъмунасини кўрсатиш;
- даъвони тарқатиш –яъни тарк маъноларини халқдан яшириш, яъни киши даъводан воз кечмаса маънога етмас ва то ўз маъносини яширин тутмаса тасаввуфдан баҳра топмайди;
- тасаввуф-ибодат хуснига ишорат;
- тасаввуф-бу нафсни хор тутиш ва амрни азиз тутишдир;
- тасаввуф – бу барча одоблар одоби бўлиб у факр (дарвеш) одобига ўзини вобаста қилишдан иборатдир.

Ана шу тасаввуф ҳислатларига эга бўлган тоифа ва гуруҳлар ҳам уч гуруҳга бўлинади. Яъни улар:

Биринчи гуруҳни – мустасуф-яъни бу гуруҳ қўлдан-қўлга ўтиб юрадиган мансаб учун восита деб мол-дунё учун ўзини дарвешларга ўхшатиб юрадиганларга айтилади; улар мартабага эга эмаслар.

Иккинчи гуруҳни – Мутасуф – бу гуруҳ тасаввуфчилар – ўз мақсадларини илк марказга-манзилига етказган олимлардир.

Учунчи гуруҳни эса сўфийлар деб, бу гуруҳ ўзидан фоний бўлиб, ҳаққа боқий етган одам (олим)дир.

Шу билан бир қаторда сўфийларни ҳам ўз мавқеи, илмий даражаси, ўрни ва роли, салоҳиятига мувофиқ уларни ҳам уч гуруҳга ажратганлар, яъни

Биринчи гуруҳни – муорширлар, яъни уларни суҳбатдошлар, шериклар деб таърифланиб, улар тасаввуф ахлининг шериклари, дўстларидир. Улар савоб олиш учун юрадиганлар.

Иккинчи гуруҳни – Мутарасимлар деб аталиб, дарвешларга тасаввуфчиларга эргашиб, суфийларга таҳдид қилиб, сўзларини такрорлаб насиба истовчиларга айтилган;

Учинчидан – бу гуруҳни муҳаққиқлар деб аталиб, бу жамоа суф (жун кийим) кийиб юрувчи жамоадирким улар доим сафога (Оллох иродасига) интилувчи, нафсни тийиб, жабру-жафо тортиб илмга интилиб, дунё молини тарк этиб, эзгулик йўлида сулук-тариқат билан узлуксиз шуғуланадиган кишилардир.

Фахруддиншоҳ тасаввуфда ана шу йўлни Муаққиклик-йўлини танлаган ва ушбу даражага –сафоликка етишиш учун ҳаракат қилиб бутун умри ва фаолиятини ана шу йўлга бағишлайди.

Фахруддиншоҳ ана шу мақсадга эришиш учун Хиротда олган билим, илмий салоҳияти етишмаслигини англаб 18 ёшида илм излаб, устоз излаб Ҳирот шаҳрини тарк этиб, тасаввуф таълимотини мукаммал билиш мақсадида Мухаммад Пайғамбар (с.а.в) ватани-Маккаю-Мадинага сафар қилади.

Фахруддин шоҳ ислом оламида машҳур илмий марказларда бўлиб, ўша замоннинг буюк алломаларидан, олиму-уламоларидан таълим-тарбия олиб 16 йиллик умрини илму-риёзат, фикх ва тасаввуф таълимотини мукаммал эгаллашга бағишлаб, кейинги 7 йилини Маккаю-Мадинада Мухаммад Пайғамбар (с.а.в) мақбараси, масжида кечаю-кундуз тоат-ибодат қилиб, узлуксиз илтижо қилиб Оллохдан мадад сўраб, Пайғамбар руҳига сажда қилиб, ният, мақсад қилиб Ҳақдан, Оллоху-Таоллодан нажот сўраб тасаввуфдан олган билим, таълимларини янада мукаммаллаштириб унинг шариати, тариқати ва маърифатидан баҳра олиб мукаммалик, муҳаққиклик даражасига етади. У тасаввуфда шариат, тариқат ва маърифатни ўрганиб (бундай билимли кишилар кам бўлади) ҳақиқатга етишга интилиб уларни амалда қўллашга, мўмин-мусулмонлар қалбига, тафаккурий онгига сингдириш ва тасаввуф таълимоти орқали исломнинг диний ҳақиқатлик, инсонпарварлик, динлараро татувлик куч-қудратини амалда кўрсатишга ҳаракат қилади.

Фахруддиншоҳнинг Оллох йўлида Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в) руҳига сажда қилиб тинимсиз қилган меҳнатини, тасаввуф илмини эгаллаш учун чеккан заҳмати, сабр-тоқати, чексиз иродаси, Хакка бўлган ишқи, эътиқоди ва ишончи ўз натижасини беради. Яъни Муҳаммад Пайғамбаримиз (с.а.в)нинг Оллох иродаси билан руҳий қудрати ғойибона Фахруддиншоҳни “Оллоҳу-Таоло йўлида ҳақиқий софлигини кўрсатди ва “Сафо”номига лойиқ бўлдинг”-дея Ваҳий, “Илоҳий нидо” намоён бўлиб, энди Фахруддиншоҳ номи боқий бўлиб Маккаю-Мадинага ҳожилик ташрифи инобатга олиниб-“Ҳожи Сафо”-деган улуғвор “Ваҳий-ботиний” номга эга бўлиб, ушбу номни-бутун Макка, Мадина жамоатчилиқ ахли, ҳамма сафдошлари якдиллик билан маъқуллайди, шундан бошлаб Фахруддиншоҳ – Ҳожи Сафо номи билан аталабошланади. Бутун ислом оламига кейинчалик Ҳожи Сафои Вали номи билан машҳур бўлади.

Ҳожи Сафои Вали ҳазратлари олган илмий салоҳиятини ўзи танлаган расмий қаландарлик тизими орқали амалга ошириш ниятида у ўзига устоз-пирга муҳтож эканлиги намоён бўлади. Пир-устознинг ёрдамисиз ўз мақсадига эришиш мумкин эмаслигига ишонч ҳосил қилиб, Пирга муҳтожлиги тобора ошиб боради ва оқибатда ғойибона пири аниқ бўлиб, ўз жамоаси билан устоз-пирни излаб Ҳинд сари сафар қилади. Устози-пири ҳам Ғойибона бўлажак ўз шогирдини ғойибона англаб уни кутади. Ғойибона бир-бирини билган устоз-пир ва шогир (мурид), Ҳиндистон юртида учрашадилар.

Ўша даврда Ислом оламининг расмий қаландарлик тизими сардори, тасаввуф таълимотининг йирик билимдони Бобо Ҳожи Абдулрахим ҳазратлари бўлиб, Фахруддиншоҳни-янги номини айтиб “Ҳожи Сафои”-деб, гўё олдиндан бир-бирини кўргандан ҳам ортиқча илиқ ва юқори даражада хурсандчилик, очик юз билан, ҳамма жамоасини кутиб олади. Шу тариқа пири-муршид янгитдан танишиб ҳол-аҳвол сўраб устоз-шогирдга қаландарлик сир-асрорларини, мазмун-моҳиятини, мақсад ва вазифаларини, тасаввуф илмидан олган билимларини амалда қўллаш услуб ва услубиятларини ўргатади, уни қаттиқ синовдан ўтказиб, расмий қаландарлик жамоасини таркиби билан маъқуллаб, Ҳожи Сафога расмий “хати-иршод”ни муҳрни топшириб уни қаландарлар жамоаси (tizими) расмий раҳбари, ташкилотчиси, Сардори-деб эълон қилади. Ҳожи Сафои эса Бобо Ҳожи Абдулрахим ҳазратларининг ҳамма синовларидан ўтгандан сўнг Ҳожи Сафои ва унинг жамоасига қараб пир шундай дейди. “Мен Оллоҳдан бирорта мард авлиёнинг келишини сўраган эдим. Оллоҳга шукирким менга сени Оллоҳ инъом этди. Сен кулбамга қадам ранжида қилдинг. Сен кўп нарсани ваҳийлик орқали-Ғойибона билиб валийлик даражасига етибсан. Сен энди номинга “Валийлик”ни қўшиб Ҳожи

Сафои Вали улуғ ном билан, менинг йўлимни, менинг тариқатимни давом эттирасан ва мен фоний дунёга сафар қиламан. Сен эса Мовароуннахр томонда Самарқанд-деб аталувчи шаҳарга бориб тариқатни давом эттириб, эътироф ва илтифотларга сазовор бўласан”² деган фикрни билдиради.

Ушбу расмий тадбир охирида Пир Ҳожи Бобо Абдулрахим-Ҳожи Сафои Валига, ҳамма жамоа аъзоларига (жами-40дан ортиқ киши) расмий қаландарларнинг расм-русумларига хос кийим-кечаклар, ташқи кўринишида ажралиб турадиган белгиларини яъни-хилқа, асо (ҳасса), дубилға, эски бош кийим, боғлагич (лента), асога доир байроқча ва кўнғироқчаларни топширади. Ҳарқайси нарсада ўзига хос тасаввуфга мос мазмун-моҳиятга эга бўлган фалсафий мазмун-моҳиятлар бўлган.

Ушбу қаландарлик либослари ҳам бир хил бўлмай 4-хил рангда, ҳарқайсиси ўзига хос мазмунга-қаландарлар жамоасининг салоҳиятлилиқ даражасини билдириш мазмунига эга бўлган. Жумладан; Хирқа 4-хил рангда, яъни оқ, яшил, зангори ва тупроқ рангли бўлган.

- Оқ рангли хирқа - она сутига ишора бўлиб, уни кийган қаландар гўдакдек беғубор, дили равшан жамоа бўлиб, уни кийганларнинг кўкси гина ва ғубордан пок, суҳботи аниқ ва унга содиқ, кундуз мисоли ҳамманинг дилини равшан қиладиган, она сутидек поклик рамзига ишора бўлган.

-Яшил ранги хирқа - кийганлар кўкат (майса) ва сувнинг рамзи бўлиб, уни олий ҳимматли, кўнгли тиниқ қаландар-дарвешлар кийиб, улар доимо майсадек яшнаб, чеҳраси доим очиқ, ҳурматли зотлар кийиб сув каби ҳаётбахш, майса каби ёқимли кишилар бўлган.

-Зангори рангли хирқа – кийган қаландар-дарвешлар, эса осмон каби кенг сулук- (тариқатда) тараққий этган, ҳолати қудратли баркамол кишиларни англашиб олий қудрату қадрга олий ҳимматли зотлар кийган.

-Тупроқ рангли хирқани - кийган зотлар хокисорлик, ҳимматлилиқ, сабру тоқатлилиқ хислатларига эга бўлган зотлар ҳисобланганлар.

Умуман олганда тасодифан рангли хирқаларни ҳарким ҳам киймасэканлар, ҳаркимга ҳам насиб этмас эканлар.

Хирқа тўрт хил матодан, яъни-жундан, пахтадан, паласдан, теридан тайёрланар эканлар. Асосан жундан тайёрланиб унда кўнгилда ҳаловатлик, илохий жамолдан ғурурланиб баҳраманд бўлур экан.

Хирқадан ташқари расмий қаландарлик талаби-бўйича қаландарлар (сўфийлар) яна бош кийими қулоҳ бўлиб бу кийим тариқат аҳли бошига киядиган кийгиз матодан, теридан (қўй терисидан) кийиб, мукаммаликка (улуғ зотлар кийгиз матодан), етишганлар, теридан эса

² Қаранг. Ш.Аҳадов “Ҳожи Сафои Вали ҳазратлари маънавияти ва фазилатли хислатлари ҳақида” Тошкент, 2013 йил, 18-бет.

халққа хизмат қилувчи пирлар (яни четга чиқмайдиганлар) кийишга тавсия этилганлар. Бош кийим-кулох устидан боғлайдиган махсус боғлагич “алиф” шаклида кигиздан ясалган боғлагич билан боғланиб, унинг маъноси-ростлик белгиси ва доира шаклида эса-ростлик доираси маъносини англатиб, уни киядиганлар “Биз бошимизни ростлик доирасидан чиқармаймиз ва ўз биродарларимиз учун бошни ўртага қўямиз”-деб ахиллик, бирлик, куч-қувватлилиқ рамзий маъносини англатар экан.

Бу кулох ҳам, айлана боғлагич ҳам хирқадаги рангдек оқ, яшил, зангори ва тупроқ рангли бўлар экан.

Ушбу либослардан ташқари қаландар сўфийлар (дарвешларга ҳам) ажралиб туришини англатадиган буюм ва нарсалар, бўлган жумладан;

- Жойнамоз, ридо, кофи (ковуш), мўкки-оёқ кийими суҳбат қомари, тақя пўстаги (ўтиргич) кабилар ҳам ўзига хос хислатлари мавжуд экан. Хар бир сўфида қаландарлик-дарвешлик (сўфийликнинг) энг муҳим аломати, у ҳам бўлса тасбех ва махсус дарахтдан ясалган қарийб ўзи бўйи келадиган асо (ҳасса) ҳам бўлишлиги, унинг баландги (жисми)га монанд махсус 4-хил матодан ясалган фута номли асонинг баланд қисмига кийдиргич кийдирилиб, унга 4-хил мўнчак ва айримлари кечаси фойдаланадиган кичкина кўнғироқ осиб унинг жарангдор овозига нисбатан улар қайси жамоа-гуруҳ ҳам эканлигини англатувчи овоз ҳам бўлар экан. Ундан ташқари хар бир қаландар-дарвеш чап биқинига осиб юрадиган чиғанокдан ёки қадидан ясалган кўбизларни ҳам осиб юрар эканлар.

Умуман олганда Ҳожи Сафои Вали ҳазратлари ва унинг бутун жамоаси аҳли қайси рангли хирқа, кулоҳ белбоғич ва асодан фойдаланганлиги ҳақида бирон маълумот топаолмадик, аммо шу ҳақиқат маълумки, Ҳожи Сафои Вали ҳазратларининг билим савияси илмий қудрати, маънавий-маърифий хислат ва фазилатлари юксак сафоликда бўлиб, Оллоҳ қудратини, инсонлар учун тириклик оламини яшнатишдек неъмат фақат ер, тупроқ орқали яратилганлигини, хар бир зот ернинг хислатини, бу хислатдан бутун олам баҳраманд бўлиб гуллаб яшнаши ҳамма вақт гўзал ҳаёт, турмуш, тўкин-сочинлик, мўлкўлчилик, гўзал, яшил майсалар, ўтлар, дарахтлар бутун-бутун олам гуллуб-яшнаши инсонлар куч-қудрати Оллоҳнинг инсонларга инъом етган неъматлари бу ер, тупроқ эканлигини Ҳожи Сафои Вали ҳазратлари яхши билган, ўз жамоасига ҳам ана шу неъматни эъзозлашини талаб қилганлигини ҳисобга олинса улар Худрангли-тупроқ рангни танлаган бўлиши ҳақиқатга яқиндир.

Шундай қилиб қаландарлик расмий тадбирларини тугатиб, устозидан керакли таълим-тарбияни маслахатларни олиб вазифа ва

мақсадлар аниқ белгиланиб олгандан сўнг устози Ҳожи Бобо Абдулрахим ҳазратларининг бандаликни бажо келтирилганлиги сабабли зарурий тадбирларни ўтказиб пирининг васиятларига амал қилиб Ҳожи Сафои Вали ҳазратлари ўз жамоаси билан чўли-сахролардан, тоғу-тошлардан ўтиб ўтган авлиёю-алломалар-қадам жойларини зиёрат қилиб 34-ёшида Самарқанднинг чекка тепалигига келиб ўрнашадилар. Бу тепаликда така-мақбара масжид, хужралар, кичик-кичик уй-жойлар қуриб, турли хил манзарали ва мевали дарахтлар экиб, катта ҳовуз казиб, атрофини гули-гулзорларга айлантириб қалдарлик фаолиятини бошлаб юборади.

Натижада Самарқанд шаҳри Ислом оламининг расмий қаландарлик тизими маскани-марказига айланади.

Натижада Ҳожи Сафои Вали ҳазратлари Самарқанд шаҳрида мустаҳкам ўрнашиб олиб расмий қаландарлик фаолиятининг аслий мақсад ва вазифаларини аниқлаб, жамоани гуруҳларга бўлиб, бутун Марказий Осиё ҳудудларида алохида-алохида ҳудудларда, шаҳарларда ўзларининг масканларини ташкил этиб қаландарлик расмий ҳаракатини бошлаб юборади.

Ҳожи Сафои Вали ҳазратлари ўз жамоаси билан тасаввуф таълимоти Нақшбандия тариқати сулукларини, сўфийлик мазмун-моҳиятини, тариқатдаги “мақомат”, “хол”, “каромат”, “муҳаббат”, “маърифат”, “ҳақиқат” каби тушунчаларнинг илохий, фалсафий мазмун-моҳиятини, тариқат мақом ва ҳамма манзилларини (тариқатда айрим манбаъларнинг таъкидлашича 19-та мақом, 360-та манзил ва робот (қарвон саройга-ўхшатиш, жузий маънода бор экан)нинг ҳамма соҳаларини билишга интилиб Самарқандалик йилларида 40-йил мобайнида билиб олишга интилиб, мукаммал билиб олишга эришиб қаландарлик фаолияти орқали уни амалга ошириб ўз мақсадига эришган.

Қаландарлик нима ва қандай мазмунга эга. Бу тасаввуф таълимотини мукаммал билган, уни халқ оммаси ўртасида кенг ва арофлича тушунтириб, тарғибот қилиб халқни Исломга даъват этгувчи-сўфийдир. У Оллоҳ ва унинг расулига иймон келтириб, ўзининг иймон-этиқодига шубҳа қилмайдиган, Оллоҳдан фақат тангри таолодан ёрдам, фано сўраб ибодат қиладиган, мадад тилаб илтижо қиладиган ўзи ва ўзгаларга ўз меҳнати эвазига ҳалол лўқма билан кун кўриб озиқланадиган, Оллоҳ, Пайғамбар, авлиё-анбиёлар йўлидан бориб, залолат йўлига тушиб қолмаслик учун паноҳ ёрдам, мадад бергувчи, фақат яхшилик қилувчи, ёмонлардан, ҳаромдан ҳазар қилувчи, бева-бечораларга имкон доирасида моддий ёрдамни аямайдиган, тасаввуф таълимоти ва унинг тариқатида илғор ғояларни узлуксиз тарғибот қилувчи, Ислом бирлиги, яхлитлигини мустаҳкамлаш, диний

бағрикенглик, ўзаро хурмат, Ватанга садоқатлиликни миллий бирликни давлатчиликни мустаҳкамлашликни, тинчлик осойишталикни сақлашга халқни даъват этгувчи сўфийдир. Қаландар-мулкий ҳақиқатни эмас, диний ҳақиқатни амалда исботловчи, ислом динининг инсонпарварлигини, адолатли, демократик ғояларга мансуб дин эканлигини исботлаб бергувчи сўфийлик ҳаракати эканлиги билан ажралиб туришлиги Ҳожи Сафои Вали ҳазратлари ўз жамоаси билан ушбу ҳаракатни танлаганлиги эса ўз-ўзидан маълумдир.

Ҳожи Сафои Вали ҳазратлари ўз жамоаси билан бу йўлда умрининг охиригача фаолият кўрсатиб Ислом оламида Нақшбандия тариқатини, тасаввуф таълимотининг асл мазмун-моҳиятини тарғибот қилиб мўмин-мусулмонларни, умуман халқ оммасини тўғри яшашга, Ватанга содиқ бўлиб хизмат қилишга, миллий давлатчиликни мустаҳкамлашга, ҳалол меҳнат қилиб “қўлинг меҳнатда, қалбинг Оллоҳда бўлсин”, (“дастба кору дил ба ёр”), “Сафар дар Ватан”, “зар пинҳон зан пинҳон”, “зохир ба халқ ботинба халқ”, “Садақа радди бало” каби ахлоқий ғояларни халқ ичида тарғибот қилиб, ҳар бир киши жамиятда ўз ўрнига эга бўлишга, фарзандларга, келажак авлодга яхши тарбия беришга бузғунчиларга, Ватан хоинларига харомхўрларга, мансабпарастларга, диний эътиқодни бузувчиларга, лоқайдликка қарши кескин курашга даъват этиб, Ислом оламида ўзига хос обрў эътиборга иззат-ҳурматга сазовор бўлган буюк зотга айланди.